

## ЁШ ФУТБОЛЧИ ҚИЗЛАРНИНГ СТАНДАРТ ВАЗИЯТЛАРДАН Фойдаланиш Самарадорлигини ўрганиш.

М.Г. Мухаммадов

Футбол назарияси ва услубияти кафедраси ўқитувчиси

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия

ва спорт университети,

Чирчиқ шаҳри, Ўзбекистон

Muxammadov1992@bk.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7556251>

Аннотация: Ушбу мақолада ёш футболчи қизларнинг ўқув машғулоти жараёнида стандарт вазиятларни моделлаштириш усулиятини қўллаган ҳолда мусобақа фаолияти самрадорлигини оширишга қаратилган маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Футбол, спорт, қизлар, стандарт, зарба, дарвозабон, техника, тўп, машғулоти.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг раҳнамолигида мамлакатимизда ёш футболчиларнинг тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш ва малакали жамоаларимиз учун сифатли захираларни яратиш масаларига оид қатор чора тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан 2019 йил 4-декабрдаги 58-87 сон “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазмунида айнан юқоридаги фикр акс эттирилган бўлиб уни амалга ошириш бўйича махсус Концепция ишлаб чиқилган()

Замонавий футболда жамоалар стандарт вазиятлардан унумли фойдалана олиши керак. Педагогик кузатувлар жаҳоннинг етакчи жамоалари стандарт вазиятлардан фойдаланиш бўйича анча самрали натижаларни қайд этишаётганликларини кўрсатмоқда. Лекин миллий чемпионатимиз ва миллий терма жамоаларимиз иштирокидаги ўйинларда айнан стандарт вазиятларда бажариладиган ҳаракатларда кўплаб хато ва камчиликлар мажудлиги яққол намоён бўлмоқда. Бу жиҳат аёллар футбол жамоаларимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Шу сабабдан ҳам аёллар футбол жамоаларимизнинг ўқув машғулотида стандарт вазиятларини моделлаштирган ҳолда қўллаш масаласи долзарб муаммо саналади.

Олинган натижалар таҳлили. Биз томонимиздан Ўзбекистон чемпионатидаги 1-лигасида иштирок этган “Нефтчи”, “Олмалиқ”, “Андижанка” жамоаларининг ўйин давомида, ён чизиқдан тўпларни шеригига ошириб бериш, эркин ва жарима тўпларини амалга ошириш,

дарвозабонларни эркин тўп билан ўйинга киритишлари ва бурчак тўпларини амалга ошириш ҳаракатлари ўрганилди.

Жадвалдаги натижаларда биз турли стандарт вазиятларни, қисқа (10 метргача), ўрта (10-20 метр) ва узоқ (20 метрдан ошиқ) масофаларга ошириб беришларни кузатган ҳолда таҳлил қилдик. Олинган натижалардан биз қисқа масофага ошириб берилган тўпларни самарадорлик кўрсаткичлари узоқ масофага оширилиб бериладиган тўпларни самарадорлик кўрсаткичидан юқорилигини аниқладик.

Демак тажрибадан олдин ва кейин олинган натижалар таҳилига кўра ён чизиқдан ўйинга тўпни киритиб бериш ҳаракатларида “Нефтчи” жамоаси, қисқа масофага 15маротаба (+14), ўрта масофага 42 маротаба (+25), узоқ масофага 6 маротаба (+3) тўпларини шеригига ошириб беришган. Яна бир жамоамиздан “Олмалиқ” жамоасининг футболчилари, ён чизиқдан тўпни ўйинга ташлаб бериш ҳаракатларида, қисқа масофага 19 маротаба (+17), ўрта масофага 28 маротаба (+16), узоқ масофага 4 маротаба (+2) тўпларни шеригига ошириб беришган. “Андижанка” жамоаси эса қисқа масофага 22 маротаба (+20), ўрта масофага 43маротаба (+19), узоқ масофага 7 маротаба (+4) тўпларни шеригига ошириб беришганлиги маълум бўлди.

Жами ҳаракат самарадорлиги Нефтчи жамоасида 0,66,6%, Олмалиқ жамоасида 0,68,6% ва Андижанка жамосида бў кўрсаткич 0,69,3% ни ташкил этди. Шу маълумотлар асосида аниқландики жамоалар кўпроқ ўрта масофага тўпни ошириб бериш ҳаракатларни амалга оширишар экан. Эркин ва жарима тўпларини амалга ошириш ҳаракатларида “Нефтчи” жамоаси қисқа масофага 18 маротаба (+18), ўрта масофага 15 маротаба (+12), узоқ масофага 30 маротаба (+16) узатиш ёки зарба бериш орқали ушбу ҳаракатларни амалга оширишган. “Олмалиқ” жамоасининг футболчи қизлари, қисқа масофага 17 маротаба (+17), ўрта масофага 25 маротаба (+16), узоқ масофага 40 маротаба (+15) тўпларни шеригига ошириб беришган. “Андижанка” жамоаси қисқа масофага 16 маротаба (+16), ўрта масофага 28 маротаба (+20), узоқ масофага 35 маротаба (+16) тўпларни шеригига ошириб беришган .

Жами ҳаракатлардаги самарадорлик кўрсаткичи Нефтчи жамоасида 0,63%, Олмалиқ жамоасида 0,52 ва Андижанка жамоасида 0,57 % эканлиги маълум бўлди.

Бурчак тўпларини амалга ошириш ҳаракатларида “Нефтчи” жамоаси қисқа масофага 7 маротаба (+7), узоқ масофага 32 маротаба (+14) тўпларни шеригига ошириб беришган. “Олмалиқ” жамоасининг футболчилари, қисқа масофага 6 маротаба (+6), узоқ масофага 42 маротаба (+18) тўпларни

шеригига ошириб беришган. “Андижанка” жамоаси қисқа масофага 7 маротаба (+7), узоқ масофага 35 маротаба (+14) тўпларни шеригига ошириб беришган.

Бурчак тўпларидаги жами ҳаракатлар самарадорлиги Нефтчи жамоасида 0,53%, Олмалиқ жамоасида 0,50 ва Андижанка жамоасида 0,52 % эканлиги маълум бўлди.

Олмалиқ жамоасининг ўқув машғулоти жараёнининг йиллик юктамалар ҳажмида техник-тактик тайёргарликка воситаларни қўллашда ўйин вазиятларидан фойдаланиш бўйича алоҳида услубий ёндошувлар амалга оширилди.

Олинган натижалардан маълум бўлдики, стандарт вазиятларни моделлаштириш усули юқори самара келтирувчи восита бўлиб уни қўллаш вариантларини тобора такомиллаштириб бориш орқали жамоанинги стандарт вазиятлардан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Зеро назарий ва амалий машғулотларни узвий олиб бориш орқали ҳаракатларга ўргатиш самарадорлиги етакчи олимлар томонидан ўрганилган.

### References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5887-сонли Фармони.
2. Курбанов О.А. Методика совершенствование ударов по мячу головой юных футболистов. Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Т: УзГИФК. 2005. – 168 с.
3. Юсупов Н.М. Юқори малакали футболчи қизларни тезкор-куч тайёргарлигининг ривожлантириш услубини такомиллаштириш. Диссертация. 2018 йил. Чирчиқ. 152 б.
4. Йўлдашов М.Р. Ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш услубиятини такомиллаштириш. Диссертация. 2021 йил. Чирчиқ. 144 б.
5. Акбаров А., Мусаев Б.Б., Спорт метрологияси, дарслик, Тошкент, Тафаккур қаноти, 2014, 424 б.
6. Акбаров А., “Спортда математик таҳлил усуллари”, магистрлар учун ўқув қўлланма, ЎЗДЖТСУ, 2020, 228 б.